

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КИБЕР РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Шадманов Хайрулла Носириллаевич

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

“Савдо иши” кафедраси Phd. доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20392415>

Аннотация: Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида киберхавфсизликка таҳдид натижасида кўрилиши мумкин бўлган иқтисодий зарарлар оқибатларини бартараф этишда кибер рискларни суғурталашнинг ўрни ва концептуал асослари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, таҳдид, киберриск, киберхавфсизлик, кибер-суғурта.

Рақамли технологияларининг шиддатли ривожланиши ҳаётнинг барча жабҳаларига катта таъсир кўрсатиши, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун мислсиз имкониятлар яратмоқда. Зеро, иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида рақамли технологиялардан самарали фойдаланмай туриб, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаб бўлмайди. Анъанавий иқтисодиётдан кўпгина устунликларга эга рақамли иқтисодиёт қисқа даврда дастлаб ривожланган мамлакатларда, кейинчалик дунё бўйлаб кенг оммалашди.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими бўлиб, бунга авваламбор онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловлар, товар ва хизматларнинг интернет-савдоси мисол бўла олади [2].

Рақамли иқтисодиётнинг юқори самарадорлиги билан бир қаторда иқтисодиётга хавф солувчи янги таҳдидларни вужудга келтиради. Бу таҳдидлар кибер рискларнинг ўта салбий таъсири сифатида намоён бўлади. “Кибер риск” деганда ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган компьютер ва ахборот тизимлари ёки тармоқлари, алоқа тизимлари, ахборот ресурсларига нисбатан учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасидаги йўқотиш ва ёки қўшимча ҳаражатлар хавфи тушунилади. Ривожланган давлатларнинг ҳозирги замон амалиётида бу каби таҳдидларга турли воситалар қаторида кибер рискларни суғурталаш кенг оммалашмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ахборот-коммуникация технологияларига таянган ҳолда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол жараёнларини тубдан ўзгартиради. Ушбу шароитда:

- бизнес жараёнларининг рақамлашуви;
- молиявий операцияларнинг онлайн муҳитга кўчиши;
- давлат ва хусусий секторда маълумотлар ҳажмининг ортиши иқтисодий самарадорликни оширади, бироқ кибер рискларни ҳам кучайтиради.

Иқтисодий барқарорлик эндиликда нафақат молиявий ёки ишлаб чиқариш омиллари, балки ахборот хавфсизлиги ва кибер бардошлилик даражаси билан ҳам белгиланади.

Кибер риск – ахборот тизимлари, рақамли платформалар ва тармоқлар орқали амалга ошириладиган таҳдидлар натижасида иқтисодий субъектларга молиявий, ташкилий ёки репутацион зарар етказиш эҳтимолидир.

Кибер рискларнинг асосий турлари:

- маълумотларни ўғирлаш ёки йўқотиш;
- киберҳужумлар (DDoS, ransomware);
- молиявий фирибгарлик;
- бизнес жараёнларининг тўхташи;
- интеллектуал мулкка зарар.

Бу рисклар тизимли характерга эга, яъни бир субъектдаги кибер ҳодиса бутун иқтисодий тизим барқарорлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

“Кибер-суғурта - компьютер ҳужуми ёки фирманинг ахборот технологиялари тизимлари ишдан чиқиши натижасида келиб чиқадиган биринчи ва учинчи томонларнинг зарарларини қоплайдиган суғурта полисларини англатадиган кенг атамадир” [1].

Кибер рискларни суғурталаш – рақамли муҳитда юзага келадиган хавфлардан кўриладиган иқтисодий йўқотишларни молиявий компенсация қилишга қаратилган суғурта механизми.

Суғурталашнинг асосий вазифалари:

- молиявий йўқотишларни қоплаш;
- бизнеснинг узлуксизлигини таъминлаш;
- рискларни бошқариш маданиятини шакллантириш;
- иқтисодий субъектларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш.

Кибер рискларни суғурталашнинг концептуал асослари

Институционал ёндашув

- давлат, суғурта компаниялари ва бизнес ўртасида ҳамкорлик;
- киберхавфсизлик стандартлари ва норматив базани шакллантириш.

Риск-менежмент концепцияси

- рискларни аниқлаш – баҳолаш – диверсификация қилиш – суғурталаш;
- суғурта – рискни молиявий трансферт қилиш воситаси сифатида.

Тизимли барқарорлик концепцияси

- кибер рискларни суғурталаш макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи омил;
- молия бозорларида ишончни сақлаш механизми.

Инновацион суғурта моделлари

- parametric insurance;
- insurtech платформалар;
- big data ва AI асосида риск баҳолаш.

Кибер рискларни суғурталашнинг иқтисодий барқарорликка таъсири

Таъсир йўналиши	Натижа
Микродаража	Корхоналар молиявий барқарорлиги
Мезодаража	Тармоқлар рақобатбардошлиги
Макродаража	Миллий иқтисодиёт барқарорлиги
Институционал	Ишонч ва инвестиция муҳити

Рақамли иқтисодий шароитида кибер рискларни суғурталаш:

- иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг стратегик молиявий инструменти;
- рақамли трансформациянинг хавфларини юмшатовчи механизм;
- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги рискларни тақсимлаш воситаси ҳисобланади.

Умуман олганда кибер суғурта кибер ҳужумлар ва уларнинг салбий оқибатларидан (зарарлардан) ҳимоя қилишнинг иқтисодий усули саналади.

Кибер рискларни суғурталаш механизмини яратиш қатор назарий ва амалий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Бу борада қуйидагиларга эътибор бериш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Энг аввало бундай механизмнинг қонуний-меъорий асосини етарли даражада шакллантириш лозим. Гап АКТ ривожини натижасида пайдо бўлаётган янгидан-янги рискларни қонуний жихатдан тан олинишини таъминлаш, бу рискларнинг классификациясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш, рискларни суғурталаш услубиётини ва янги суғурта маҳсулотлари яратиш ҳақида бормоқда.

2. Кибер рискларни суғурталаш механизмининг муҳим масалаларидан яна бири улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган реал зарар миқдорини аниқлаш билан боғлиқ. Чунки ахборот қиймати АКТ субъекти нуқтаи назаридан бу ахборотдан кўрадиган манфаати билан ўлчанса, бошқа субъект, шу жумладан суғурталовчи учун бу ахборот ҳеч қандай қийматга эга бўлмаслиги мумкин. Бизнинг фикримизча, бу услубиётга асос қилиб биринчи паллада ахборотни яратиш учун кетган харажатларни аниқлаш йўлини танлаш мумкин.

3. Кибер рискларни суғурталашни фақат иқтисодий зарарни қоплашгина деб қарамаслик лозим. Бу усулни қўллаш энг аввало ахборот объектини чуқур таҳлил этишни ҳамда киберхавфсизлик тизимини тўла ва атрофлича аудит қилишни тақозо этади. Бундай таҳлил ва аудит қилишнинг асосларини ишлаб чиқиш ҳам суғурта механизмини илмий асослашнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Кибер рискларни суғурталашда суғурта объекти сифатида ахборот ресурслари (ҳар қандай кўринишдаги ахборотлар – маълумотлар базаси, электрон шаклдаги кутубхоналар ва архивлар, дастурий воситалар) ҳамда молиявий активлар (электрон шаклдаги пул маблағлари ҳамда қимматбаҳо қоғозлар) қабул қилиниши мумкин. Умуман олганда, бу борадаги суғурта полиси ахборотни тўплаш, узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча дастурий-аппарат тизимларига хос бўлган рискларни қоплаш имконини бериши лозим.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Sasha Romanosky, Lillian Ablon, Andreas Kuehn and Therese Jones: Content analysis of cyber insurance policies: how do carriers price cyber risk? Journal of Cybersecurity, 2019, 1–19 doi: 10.1093/cybsec/tyz002. <https://academic.oup.com/cybersecurity/article/5/1/tyz002/5366419>
2. <https://uza.uz/oz/society/ra-amli-i-tisodiyet-afzalliklari-10-02-2020>

3. OECD *Digital Security Risk Management for Economic and Social Prosperity* – кибер рискларни иқтисодий риск сифатида талқин қилиш концепцияси.
4. World Economic Forum (WEF) *Global Risks Report* (турли йиллар) – кибер рискларни глобал иқтисодий барқарорликка таҳдид сифатида баҳолаш.
5. Swiss Re, Munich Re (қайта суғурта компаниялари ҳисоботлари) – кибер рискларни суғурталашнинг иқтисодий ва амалиёт асослари.
6. ISO/IEC 27001, 27005 – ахборот хавфсизлиги ва риск-менежмент концепциялари.